


KONFERENSIYA

“JIZZAX VILOYATI IJTIMOIIY-IQTISODIY
RIVOJLANISHINING ASOSIY
YO’NALISHLARI: MUAMMO VA YECHIMLAR”



RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY ANJUMANI

2025-yil 21 noyabr

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIIY TA’LIM, FAN VA
INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

**MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI O‘ZBEKISTON MILLIY
UNIVERSITETINING JIZZAX FILIALI**



**JIZZAX VILOYATI IJTIMOIIY-IQTISODIIY
RIVOJLANISHINING ASOSIIY YO‘NALISHLARI:
MUAMMO VA YECHIMLAR**
*mavzusidagi Respublika ilmiy-texnik anjuman materiallari
to‘plami*
(2025-yil 21-22-noyabr)

JIZZAX-2025

Jizzax viloyati ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishining asosiy yo‘nalishlari: muammo va yechimlar. Respublika ilmiy-texnik anjuman materiallari to‘plami – Jizzax: O‘zMU Jizzax filiali Iqtisodiyot va turizm kafedrası, 2025-yil 21-22-noyabr. 557-bet.

Respublika miqyosidagi ilmiy-texnik anjuman materiallarida zamonaviy kompyuter ilmlari va muhandislik texnologiyalari sohasidagi innovatsion tadqiqotlar aks etgan.

Globalashuv sharoitida davlatimizni yanada barqaror va jadal sur‘atlar bilan rivojlantirish bo‘yicha amalga oshirilayotgan islohotlar samarasini yaxshilash sohasidagi ilmiy-tadqiqot ishlariga alohida e‘tibor qaratilgan. Zero iqtisodiyotning, ijtimoiy sohalarni qamrab olgan modernizatsiya jarayonlari, hayotning barcha sohalarini liberallashtirishni talab qilmoqda.

Ushbu ilmiy ma‘ruza tezislari to‘plamida mamlakatimiz va xorijlik turli yo‘nalishlarda faoliyat olib borayotgan mutaxassislar, olimlar, professor-o‘qituvchilar, ilmiy tadqiqot institutlari va markazlarining ilmiy xodimlari, tadqiqotchilari, magistr va talabalarning ilmiy-tadqiqot ishlari natijalari mujassamlashgan.

Mas‘ul muharrirlar: DSc.prof. Turakulov O.X., t.f.n., dots. Baboyev A.M.

Tahrir hay‘ati a‘zolari: p.f.d.(DSc), prof. Turakulov O.X., t.f.n., dots. Baboyev A.M., t.f.f.d.(PhD), prof. Abduraxmanov R.A., p.f.f.d.(PhD) Eshankulov B.S., p.f.n., dots. Alimov N.N., p.f.f.d.(PhD), dots. Alibayev S.X., t.f.f.d.(PhD), dots. Abdumalikov A.A, p.f.f.d.(PhD) Hafizov E.A., f.f.f.d.(PhD), dots. Sindorov L.K., t.f.f.d.(PhD), dots. Nasirov B.U., b.f.f.d. (PhD) O‘ralov A.I., p.f.n., dots. Aliqulov S.T., t.f.f.d.(PhD) Kuvandikov J.T., i.f.n., dots. Tsoy M.P., Sharipova S.F., Jo‘rayev M.M.

Mazkur to‘plamga kiritilgan ma‘ruza tezislarning mazmuni, undagi statistik ma‘lumotlar va me‘yoriy hujjatlarning to‘g‘riligi hamda tanqidiy fikr-mulohazalar, keltirilgan takliflarga mualliflarning o‘zlari mas‘uldirlar.

КИЧИК БИЗНЕС СОҲАСИНИНГ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИНИ СТАТИСТИК БАҲОЛАШ БЎЙИЧА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

Арзикулов Отабек Али ўғли

*Кадрлар малакасини ошириш ва статистик
тадқиқотлар институти мустақил изланувчиси
otabek_0791@mail.ru*

Аннотация: Кичик бизнес соҳаси миллий иқтисодиётда муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифаларни бажаради. Бу вазифаларнинг энг асосийларидан бири шундан иборатки, Кичик бизнес соҳаси жамиятда сиёсий ва иқтисодий барқарорликни таъминловчи ўрта синфнинг шаклланишига олиб келади. Ҳар қандай жамиятда ўрта мулкдорлар синфи иқтисодиёт ривожланишида ўзига хос ўрин тутди. Кичик бизнес соҳасининг яна бир муҳим вазифаси истеъмол талабининг табақаланиши ва индивидуаллашуви шароитида кенг турдаги товар ва хизматлар ишлаб чиқаришини амалга оширишидир.

Калит сўзлар. Кичик тадбиркорлик, қайта ишлаш саноати, анъанавий транспорт, бизнес, бозор конъюнктураси, бозор сегменти, капитал.

Бугунги кунда кичик бизнес соҳасисиз замонавий иқтисодиётни тасаввур этиб бўлмайди. Кичик бизнес соҳасининг йирик корхоналар билан рақобатда бўлиши иқтисодиётнинг бозор конъюнктураси ўзгаришларига ва иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта қуришга ёрдам беради.

Кичик бизнес соҳасининг ривожланиши бозорни истеъмол товарлари ва хизматлари билан тўлдириш, тармоқ ва ҳудудий монополизмга барҳам бериш, рақобат муҳити вужудга келиши ва кенгайиши, илмий-техника натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳамда экспорт салоҳияти юксалишига ижобий таъсир кўрсатади.

Кичик бизнес соҳасининг ижтимоий вазифалари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Кичик бизнес кишиларнинг тадбиркорлик, ишбилармонлик, ижодкорлик салоҳиятларини намоён этиш учун қулай шарт-шароит яратади. Унда йирик корхоналардан фарқли ўлароқ, ишлаб чиқариш натижалари ва ишловчилар манфаатлари ўртасидаги боғлиқлик яққол кўриниб туради.

Йирик давлатлар иқтисодий ривожланишида кичик бизнеснинг роли қуйидагиларда намоён бўлади:

- шчилар сони бўйича қаралганда кичик бизнес корхоналарига қуйидаги мезонлар асосида субъектлар киритилади:
 - Буюк Британияда 50 кишигача;
 - Европа Иттифоқида 100 дан кам киши бўлганда (ўрта бизнесда эса, 100 дан 250 кишигача);
 - АҚШда 100 кишигача;
- етакчи давлатлар иқтисодиётидаги кичик бизнеснинг улуши: деярли бирорта ҳам тармоқ ва соҳа йўқки, у кичик бизнес субъектлари маҳсулот ва

хизматларисиз фаолият кўрсатаётган бўлса. Мисол тариқасида қуйидагиларни келтиришимиз мумкин:

- Испания қурилиш индустриясида кичик бизнеснинг улуши 30%га тенг, саноатда – 31%, кemasozликда – 30%, қишлоқ хўжалигида – 80%;

- Германия иқтисодиётида йирик автомобиль, кимё ёки металлургия концернлари асосий ўринни эгалламайди, балки унда кичик ва ўрта корхоналар нуфузи юқоридир (улар барча тижорат корхоналарининг 99,7 фоизини ташкил этади);

- йирик давлатларда кичик бизнеснинг маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқаришини кўрадиган бўлсак қуйидагилар аёнлашади:

- АҚШда тоза даромадларнинг деярли 35%и ва экспортнинг 30%и кичик корхоналарга тўғри келади;

- Франция ва Германияда кичик ва ўрта бизнеснинг ЯИМдаги улуши деярли 50%ни ташкил этади;

- Япониянинг қайта ишлаш саноатида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг деярли 57%и кичик бизнесга тўғри келади;

- Италияда миллий даромаднинг деярли 95%и шу соҳага тўғри келади.

- Чет давлатларида кичик бизнесга жалб қилинганлар сони қуйдагича:

- АҚШда ишчилар сони 250 дан кам бўлган компанияларга хусусий секторда банд бўлганларнинг деярли 50%и тўғри келади;

- ЕИ давлатлари нодавлат секторида ишлаётганларнинг 70%и кичик бизнес ходимларидир.

Тарихан, Кичик бизнес соҳаси товар ва хизматларнинг маҳаллий бозорига йўналтирилган мустақил хўжалик фаолиятдан иборат бўлиб, унинг сармояси чегараланган, мулкдор ва тадбиркор бир шахснинг ўзи эди. Кейинчалик меҳнат тақсимланишининг чуқурлашгани, сармоя тўплангани ва транспорт хизматлари тобора арзонлашгани сайин йирик фирмалар вужудга келди.

Кичик бизнес соҳаси субъектлари деганда асосий мақсади тадбиркорлик даромадини олиш бўлган, амалдаги қонунлар доирасида фаолият юритувчи хўжалик юритувчи субъектлар, яъни кичик корхона, микрофирма ва яқка тадбиркорлар йиғиндиси тушунилади.

Иқтисодиётнинг бир шаклдан бошқа бир шаклга ўтиши жараёнида Кичик бизнес соҳаси фаолиятининг тараққиёти муҳим аҳамият касб этади.

Кичик бизнес соҳасининг тараққий этиши кўп устуворликларга эга. Улар хусусан, қуйидагиларда намоён бўлади

- иқтисодий жиҳатдан фаол бўлган аҳоли улушини ўсишида;

- фаол ва тадбиркор шахсларни рағбатлантириш ва юқори лавозимларга кўтаришда;

- нисбатан кам маблағ харжлаб, янги иш ўринларини яратишда;

- техник ва технологик янгиликларни ишлаб чиқиш ва жорий этишда;

- эркин рақобат муҳитини юзага келтиришда;

- молиявий ресурсларни сафарбар этишда, улардан янада самаралироқ фойдаланишда;

– иқтисодиётнинг турли секторлари ўртасидаги ўзаро алоқани яхшилашда.

Булардан ташқари, Кичик бизнес соҳаси фаолияти ялпи ички маҳсулотнинг ўсишида ва аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим манбадир.

Германия саноат ишлаб чиқаришининг экспортдаги энг катта улуши билан ажралиб турадиган давлатлар сирасига киради. Мазкур мамлакат товар айланиши бўйича Европада биринчи ўринда туради. Унинг тажрибасидан ўрганиб, ҳаётга татбиқ этса арзийдиган жиҳатлар жуда кўп. Аниқ, пухта, ўз вақтида, бекаму-кўст бажариш билан бирга доимо ҳар қандай талабга ҳозир бўлиш каби қоидалар шундай жиҳатлардан саналади.

Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида эндиgina ўз фаолиятини бошлаган тадбиркорнинг бу қоидаларга эътибор бериши сифат кўрсаткичлари ошиши ҳамда ортиқча харажатлар камайишига олиб келади.

Хорижий мамлакатлар тажрибаларида, **биринчидан**, ривожланаётган мамлакатларда муҳим иқтисодий омиллардан бири кичик бизнес ривож бўлиб, бу борадаги ҳар қандай умумманфаатини кўзлаган самарали фаолиятлар давлат аҳамиятига эга бўлади ва қўллаб-қувватланади. Зеро, кичик бизнес фаолияти ўсиб, янада самарали бизнесга айланиши, мамлакат ички бозорини товар ҳамда хизматлар турлари билан тўлдириши, шу тариқа экспорт салоҳияти ривожига ҳисса қўшиши, иш билан бандлик муаммоси ечилишига кўмаклашиши, аҳолининг реал даромади ўсишига, пировард натижада турмуш даражаси юксалишига олиб келади.

Иккинчидан, иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида, жаҳон бозорида рақобат кучаяётган шароитда йирик корхоналардан кўра айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида рақобатга дош бериш, маневрлар қилиш, ишлаб чиқариш йўналишини ўзгартириш каби иқтисодий чора-тадбирларни кўриш осон кечади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, жаҳон амалиётида ҳамда бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда кичик бизнес ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда, янги иш ўринларини барпо қилишда, бозор ўзгаришларига нисбатан тез мослашишда ва мулкдорлар синфини шакллантиришда алоҳида аҳамиятга ва юқори самарадорликка эга эканлигини тасдиқламоқда. Кўпчилик мамлакатларда кичик бизнеснинг иқтисодиётда тутган ўрнига, унинг тадбиркорликни ривожлантиришдаги бозор муносабатларини шакллантиришдаги аҳамиятига алоҳида эътибор берилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 ноябрдаги “Мамлакатда бизнес муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4525-сонли қарори
2. Абдуллаев Ё. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари, 100 саволга - 100 жавоб. –Т.: Мехнат. 2002. – 157 б.
3. Миллий иқтисодиётдаги таркибий ва тузилмавий ўзгаришларнинг

тизимли таҳлили. Монография. Профессор Б.Бегалов таҳрири остида . Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. – Т.: ЎЗР ДСҚ Статистик материаллар тарқатишни техник қўллаб-қувватлаш шўъбаси, 2018 – 70 б.

4. Ғойибназаров Б.К., Иноятлов У.У. Худудий тадбиркорликни ривожлантириш йўллари. “Мамлакатни модернизациялаш шароитида бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудитнинг роли”. Республика илмий-амалий анжуман. Фарғона, ФАРПИ, 2011 йил. – 57-59 б.

5. Раҳмонов Ҳ.О. Минтақада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. -Т.: “ФАН”, 2008. -190 б.

TA'LIM XIZMATLARINI MOLIYALASHTIRISHDA RAQAMLI BOSHQARUV TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH SAMARADORLIGINI OSHIRISH

Xaydarqulova Bonu G'ulom qizi

*Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zbekiston Milliy universiteti Jizzax filiali Iqtisodiyot
yo'nalishi talabasi*

bonuhaydarqulova7gamil.com

Annotatsiya: Maqolada ta'lim xizmatlarini moliyalashtirishda raqamli boshqaruv texnologiyalaridan foydalanishning ahamiyati va samaradorligi yoritiladi. Oliy ta'lim muassasalarida elektron axborot tizimlari, raqamli audit va avtomatlashtirilgan hisobotlarning moliyaviy jarayonlarni shaffof va samarali boshqarishdagi o'rnini tahlil qilinadi. Shuningdek, mavjud muammolar hamda raqamli boshqaruvni takomillashtirish bo'yicha takliflar keltiriladi.

Kalit so'zlar: *raqamli boshqaruv, ta'lim moliyalashtirish, elektron axborot tizimlari, raqamli audit, avtomatlashtirish, shaffoflik, moliyaviy nazorat, big data, sun'iy intellekt, oliy ta'lim, samaradorlik.*

Annotation: This article examines the importance and effectiveness of using digital management technologies in the financing of educational services. It analyzes the role of electronic information systems, digital auditing, and automated reporting in ensuring transparency and efficiency in financial processes within higher education institutions. The study also highlights existing challenges and provides recommendations for improving digital financial management in the education sector.

Keywords: *digital management, education financing, electronic information systems, digital audit, automation, transparency, financial control, big data, artificial intelligence, higher education, efficiency.*

Аннотация: В статье рассматриваются значение и эффективность использования цифровых технологий управления в финансировании образовательных услуг. Анализируется роль электронных информационных систем, цифрового аудита и автоматизированной отчетности в обеспечении